

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 730-ҳадис

14-боб

Истихора ва маслаҳат қилиш ҳақида

159 - [] { } : [].

Аллоҳ Таоло: «**Ва ишларингизда уларга маслаҳат солинг**» (Оли Имрон сураси, 159-оят).

«Уларнинг ишлари (мудом) ўзаро шўро-маслаҳат (билинг) бўлур» (Шўро сураси, 38-оят), деб айтган.

1. Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоқ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга ҳамма ишларда истихора килишни худди Қуръондан сурани ўргатгандек ўргатар эдилар. У зот

шундай дер эдилар: «Қачон бирортангиз бир иш қилмоқчи бўлса, фарз намоздан бошқа икки ракъат намоз ўқисин. Сўнг: «Аллоҳим! Албатта, мен Сенинг илминг ила истихора* қиласман. Сенинг қудратинг ила қудрат сўрайман. Сенинг улуғ фазлингдан сўрайман. Чунки Сен қодирсан, мен қодир эмасман. Сен билурсан, мен билмасман. Сен ғайларни ниҳоятда билувчи Зотсан. Аллоҳим! Агар ушбу иш менга динимда, ҳаётимда ва ишимнинг оқибатида (охиратимда) [ёки «ҳозирги ишимдаю келгусида» дедилар] яхши эканини билсанг, уни менга тақдир қилгин, менга осон қилгин, сўнгра уни мен учун баракали қилгин. Агар ушбу иш мен учун динимда, ҳаётимда ва ишимнинг оқибатида (охиратимда) [ёки «ҳозирги ишимдаю келгусида» дедилар] ёмон эканини билсанг, уни мендан буриб юбор, мени ундан буриб юбор. Ва менга қаерда бўлса ҳам яхшиликни тақдир қил. Сўнгра мени унга рози қил», десин ва ҳожатини айтсин».

Имом Бухорий ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

